

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,**  
**2021.**

<b>Ш.Абдусаторов</b>	
Анъанавий ўзбек таомларидаги ўзгаришлар ва ундаги новациялар .....	179
<b>А.Акбаров, Д. Абдуллаева</b>	
“Билса эди чечаклар, гуллар...” .....	183
<b>Д.Хошимова, М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги характерлар тавсифида бадиий-тасвирий ифодаларнинг прагматик тадқиқи .....	186
<b>К.Марасулов</b>	
Хайриддин Султонов ижодида тарихий шахс образларининг ёритилиши .....	189
<b>М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги антропонимлар таржималарининг лингвопрагматик хусусиятлари .....	193
<b>М.Хусанова</b>	
Фарида Афрўз поэтик асарларида табу ва вульгаризмлар экспрессивликни оширувчи восита сифатида .....	196
<b>Д.Исроилова, Н.Ашурова</b>	
Нофилологик олий таълим муассасаларида мотивацияни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари .....	200
<b>Д.Юлдашева</b>	
Матнда аллюзив номларнинг ифодаланиши .....	204
<b>З.Акбарова</b>	
Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига доир .....	207
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Ўзбек тили синонимик қаторларида айнанлик ва фарқлилик тамойилининг амал қилиши .....	209
<b>Ш.Алиева</b>	
Тил ва нутқ ҳодисалари .....	213
<b>М.Ҳожиева</b>	
Термин, атама ва истилоҳ тушунчалари ҳақида .....	217
<b>Ш.Дадабаева</b>	
Қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши .....	220
<b>Д.Турдалиева</b>	
Мақолларнинг прагматик функционалиги .....	223
<b>А.Мусаев</b>	
Дипломатия соҳасига оид атамаларнинг лингвистик тадқиқи .....	226

---

 ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
 

---

Илмга бахшида умр .....	229
-------------------------	-----

ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎЗARO TAЪСИРИГА DOIР  
O BЗАИМОДЕЙСТВИИ ЯЗЫКА И КУЛЬТУРЫ  
ON THE INTERACTION OF LANGUAGE AND CULTURE

Акбарова Зухро Акмалжонова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Акбарова Зухро Акмалжонова

– Фарғона давлат университети филология  
фанлари доктори, доцент.

**Аннотация:**

Мақолада тил ва маданият ўртасидаги ўзаро алоқага бир томонлама ҳаракат сифатида қаралиб, тил воқеликни акс эттиради, маданият эса одам дуч келадиган бу воқеликнинг ажралмас қисмидир ва бу ўринда тил маданиятнинг оддий акси эканлиги ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация:**

В статье рассматривается взаимодействие языка и культуры как одностороннее движение, язык отражает реальность, а культура является неотъемлемой частью этой реальности, с которой сталкивается человек, также необходимо отметить, что язык - это обычное отражение культуры.

**Annotation:**

The article considers the interaction of language and culture as a one-way movement, language reflects reality, and culture is an integral part of this reality that a person faces, it should also be noted that language is an ordinary reflection of culture.

**Таянч сўз ва иборалар:** Лингвокультурология, тилшунослик, маданиятшунослик, бадиий матн.

**Ключевые слова и выражения:** лингвокультурология, лингвистика, культурология, художественный текст.

**Key words and expressions:** linguoculturology, linguistics, cultural studies, literary text.

---

XX асрнинг 90-йилларида тилшуносликда мустақил йўналиш – лингвокультурология пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда, оламнинг лисоний манзарасига янгича қараш шаклланди. Бугунги кунда лингвокультурология “тилшунослик ва маданиятшунослик чорраҳасида пайдо бўлган ва халқ маданиятининг намоён бўлишини ўрганадиган, тилда акс эттирилган ва тилга кирган бир соҳаси” деб таърифланади. Маълумки, инсон болалигиданоқ, тил ўрганиш баробарида ўз халқи маданиятини ҳам ўрганади. Халқ маданиятининг барча ўзига хос ва ноёб жозибалари унинг тилида акс этадики, у дунёни ва ундаги одамни ўзгача акс эттиради.”[1,26]. Ушбу фикр лингвокультурологияда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тил ва маданиятни кўриб чиқишда янгича ёндашувни белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бадиий матнлар таҳлили асосида лингвокультурологик тадқиқлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Маданий универсалиялар бадиий матнда ифодаланган воқеликнинг маданият ва анъаналар учун зарурий барча умумий маданий элементлар (тил мавжудлиги, меҳнат қуроллари тайёрлаш, мифлар, рақслар каби) ҳисобланади. Улар одатда даврнинг идеологик штамплари асосини ташкил қилади. Масалан, Ш.Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» хикоясидаги маданий ўзига хослик – Ботир чўпоннинг аҳволидир. Ботир чўпон ва аёлининг Эргашга ўзларидаги биргина тарвузнинг ярмини илинганликлари, ўта камбағал бўлса-да, ҳашарчи йигитларга ош қилиб берганликлари, иккитагина қўйдан бирини сўйганликлари тасвирланади. Ҳикоя охирида Эргашнинг ўз-ўзига иқрори билан бу универсалия очиб берилади[2,23].

“Рус файласуфлари – С.А.Атановский, У.И.Кукушкин, Е.С.Маркарян томонидан ишлаб чиқилган ушбу ёндашувнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси бир томонлама ҳаракат; чунки тил воқеликни акс эттиради, маданият эса одам дуч келадиган бу воқеликнинг ажралмас қисмидир, тил маданиятнинг оддий аксидир[1,59].” Шундай қилиб, В.А.Маслованинг таъкидлашича, “ ҳар бир тил ташувчиси она

тилида сўзлашувчи бўлганлиги сабабли, тил белгилари маданий белгилар функциясини бажариш қобилиятига эга бўлади ва шу билан маданиятнинг асосий параметрларини намойиш қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, айнан тил ўз сўзловчиларининг маданий ва миллий менталитетини акс эттира олади[1,59].” Шундай қилиб, ҳозирги вақтда тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини, хусусан, оламнинг лисоний манзарасини ўрганишда икки асосий ёндашув мавжуд. Бир томондан, тилнинг маданиятга таъсири тўғрисида кўплаб далиллар мавжуд (В.Хумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, А.Потебня). Бошқа томондан, маданиятнинг тилга акс таъсири аниқ.

“Тил – бу, инсоннинг дунё ҳақидаги билимлари шаклланиши ва мавжудлигининг энг муҳим воситасидир. Инсон ўз фаолияти жараёнида билиш натижаларини объектив дунёни акс эттирган ҳолда сўз билан белгилайди.” Ҳар бир тил, В.Фон Гумбольдт таърифича, ўзига хос тузилишга, “миллий руҳнинг ўзига хослиги” туфайли юзага келган “ички шакл”га эга бўлиб, биринчи навбатда фразеологизмлар ва мақол-маталлар орқали халқнинг жамоавий онгини ифодалай оладиган воситадир. Унинг фикрича, тил дунёнинг бевосита акси эмас. Ҳар бир тил муайян халқнинг жамоавий ўзлигида, тафаккури боис “бу фақат бошқа доирага кириш орқалигина чиқишингиз мумкин бўлган доирадир.”

Ҳар бир тил одамдан муайян нарсалар, ҳодисалар, бошқа одамлар билан қандай муомала қилиш кераклигини талаб қилиши билан инсоннинг хулқ-атвори ва тафаккурига таъсир қилади. Тил ташувчиси, яъни миллий, маданий, тарихий, гендер, ижтимоий қатъиятга эга бўлган шахс, одамлар билан мулоқот қилишда у ёки бу тилдан фойдаланиб, дунёни миллий жиҳатдан ўзига хос талқин қилади.

Тил инсон руҳияти ифодасигина эмас, айнан бир структура эканлигини бу соҳага қизиққан барча олимлар таъкидлаб келадилар. Масалан, “Истисносиз тил халқнинг нафақат маиший ҳаёти, балки фикрлаш тарзини ҳам ифода этади. Биз сўзлашаётган тил фикрларимизни ифодалабгина қолмай, уларнинг йўналишига ҳам каттагина таъсир ўтказади. Тил инсон онги мазмунига ҳам таъсир ўтказади. Турли миллат ва маданиятга мансуб икки киши бир хил ҳодиса гувоҳи бўлиши мумкин, ammo онг уни тартиблаштирмаса, кўрилган нарса оддийгина таассуротлар калейдоскопи бўлиб қолаверади. Тартиблаш тил ёрдамида амалга ошади. Шунинг учун рус ва француз бир хил ҳодисани кузатар экан, турли нарсани кўради, турлича баҳолайди. Турли тилда сўзлашувчи одамлар дунёга турлича кўз билан боқадилар. Француз дунёни русдек қабул қилмайди ва ҳис этмайди, чунки унинг тил воситалари бошқа. Рус ёзувчиси Сергей Довлатов айтгандек, «инсоннинг шахси 90 % тилдан иборат», ва бунга қўшилмай бўлмайди.”

Тил дунёни миллий маданият нуқтаи назаридан талқин қилади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “маданиятни муайян жамият нима қилса ва ўйласа, шу, деб белгилаш мумкин. Тил эса одамларнинг фикрлаш тарзидир”.

#### Адабиётлар:

1. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб.пособие для студ. высш. уч. заведений. – М.: Академия, 2001. – С. 26.
2. Саидова М., Кузиев У. Лингвокультурология. Услубий қўлланма. – Наманган, 2017. – Б. 23.
3. Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, Универс, 1993. – С. 193.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)